

Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ШАРТНОМАСИ №

« » январь 2022й

Пискент тумани.

« BREND BIGG»МЧЖ нинг Низоми асосида иш олиб борувчи раҳбари М.Зукурова (кейинги матнда «Етказиб берувчи» деб юритилади) бир томондан ва «Пискент МТБ» нинг Низоми асосида иш олиб борувчи мудирини в.в.б А.Маматкулова (кейинги матнда «Сотиб олувчи» деб юритилади)лар бўлиб куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузадилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1.«Етказиб берувчи» озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга, сотиб олувчи озиқ-овқат маҳсулотлари қабул қилиб олишга мажбурият олади.

1.2.Маҳсулот етказиб бериш, уни саралаш йўли билан етказиб берувчининг транспортида амалга оширилади.

2.МАХСУЛОТ МИҚДОРИ ВА АССОРТИМЕНТИ.(СПЕЦИФИКАЦИЯСИ)

2.1 Маҳсулот етказиб берувчи куйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятини олади. Яъни;

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Сут	Литр	7840	5400	42336000
2	Катик	Литр	4330	6200	26846000
3	Сметана	Литр	268	28000	7504000
4	Творог	КГ	796	18000	14328000
5	Мол гушти	КГ	2850	60000	171000000
	ЖАМИ:				262014000

2.2 Шартноманинг умумий суммаси бюджетдан ташқари 262 014 000 (Икки юз олтинчи икки миллион ун тўрт минг) сумми ташқил этади.

2.3. Томонлар ўзаро маҳсулот хажми ва етказиб бериш муддати (олиб келиш ва олиб кетиш) графигини келишиб олади.

3.МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.

3.1. «Етказиб берувчи» маҳсулот берганда транспорт воситасидан тушириляётганда, «Етказиб берувчи» нинг вакили иштирокида ишончнома ва ҳисоб варақаси орқали олинади.

3.2. Етказиб берилаятган маҳсулотда мувофиқлик сертификати бўлиши шарт.

4. ХИСОБ КИТОБЛАР.

4.1. Ушбу шартномага мувофиқ «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақмига шартноманинг умумий қийматининг 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. Қолган 70 % тўлов товар етказиб берилгандан сўнг ҳисоб варақаси орқали амалга оширилади.

4.2. «Сотиб олувчи» маҳсулот қийматини тўламаганда «Етказиб берувчи» маҳсулот беришни тўхтатишга ҳақли.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. «Сотиб олувчи» шартномада кўрсатилган ва келишилган график бўйича етказиб берилмаган маҳсулотни олишни рад қилганлиги учун «Етказиб берувчи»га қабул қилиб олинмаган ёки рад қилинган маҳсулот қийматини 10% миқдорида жарима тўлайди. Сифати бузилган, сақлаш муддати ўтган ва яроқсиз маҳсулотлар миқдори бундан мустафно.

5.2. «Етказиб берувчи» товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборган ёки тўлиқ етказиб бермаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган товар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарни умумий суммасининг 50%дан ошиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш товарларни етказиб бермасликдан озод қилмайди.

5.3. «Етказиб берувчи»нинг товарлари шартномада кўрсатилган сифат ва ассортиментга тўғри келмаган тақдирда, сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун ушбу товар қийматининг 20% миқдорида «Сотиб олувчи» томонидан ундириб олинади, агар товар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA**

№-56

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi

“BREND BIGG” mas’uliyati cheklangan jamiyat “yetkazib beruvchi” va Piskent tumani Maktabgacha ta’lim bo’limi “sotib oluvchi” o’rtasida oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib berish to’g’risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Shartnoma loyihasi Maktabgacha ta’lim bo’limi tomonidan 2022 yil 24 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyihani rasmiylashtirishda, O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 364, 366-moddalari, O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to’g’risida”gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi talablariga rioya qilingan, yetkazib beriladigan mahsulot (Sut, qatiq, smetana, tvorog, mol go’shti) tovarlari miqdori, tovarlar narxi umumiy qiymati 262 014 000 (ikki yuz oltmish ikki million o’n to’rt ming) so’m, hisob-kitoblar, tomonlarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartiblari qayd etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



J.Mavlonov